



## БИЗНЕСНИ ТУГАТИШ: ТУГАТИШ МАССАСИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss1/a48](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a48)

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси

профессори, и.ф.д., «Ўзбекистон

Республикаси Олий таълими аълоҳиси»,

Давлетов Икрам Рахимберганович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD)

**Аннотация.** Мақолада бизнесни тугатиш жараёнига оид илмий атамалар, хусусан “тугатиш массаси” тушунчасининг назарий таҳлили ҳамда уни тугатилаётган корхонада шакллантириши масалаларига бағишинган. Норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда амалиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида банкрот корхонанинг тугатиш массасини шакллантириши жараёнлари аниқлаштирилган ҳамда уни босқичларга ажратиш таклиф қилинган. Шунингдек тугатиш массасини шакллантиришининг ҳар бир босқичида амалга ошириладиган ишлар аниқлаштирилган. Тўловга лаёқатсиз корхонани тугатишда инвентаризация ўтказиш ва тугатиш массасини шакллантиришининг умумий алгоритми ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** тўловга лаёқатсизлик, тугатиш массаси, тугатиш баланси, оралиқ тугатиш баланси, дебиторлик қарзлари, инвентаризация, бозор қиймати.

## ЛИКВИДАЦИЯ БИЗНЕСА: ЛИКВИДАЦИОННАЯ МАССА И ЭТАПЫ ЕГО ФОРМИРОВАНИЯ

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич

д.э.н., профессор кафедры Финансового анализа и аудита

Ташкентского государственного экономического университета

«Отличник высшего образования Республики Узбекистан»,

Давлетов Икрам Рахимберганович

д.ф.э. (PhD), доцент кафедры Бухгалтерского учета

Ташкентского государственного экономического университета

**Аннотация.** В статье рассматриваются научные термины, связанные с процессом ликвидации предприятий, в частности, проводится теоретический анализ понятия «ликвидационная масса» и ее формирование на ликвидируемом предприятии. На основе анализа нормативных правовых документов и практических данных уточнены процессы формирования ликвидационной массы предприятия-банкрота и предложено разделить его на этапы. Также уточняются работы, которые необходимо провести на каждом этапе формирования ликвидационной массы. Разработан общий алгоритм проведения инвентаризации и формирования ликвидационной массы при ликвидации неплатежеспособного предприятия.

**Ключевые слова:** неплатежеспособность, ликвидационная масса, ликвидационный баланс, промежуточный ликвидационный баланс, дебиторская задолженность, товарно-материальные запасы, рыночная стоимость.

## LIQUIDATION OF A BUSINESS: LIQUIDATION MASS AND STAGES OF ITS FORMATION

Dusmuratov Rajapbai Davlatbaevich

Doctor of Economics, Professor of the Department of Financial

Analysis and Audit, Tashkent State University of Economics,

"Excellent student of higher education of the Republic of Uzbekistan"

Davletov Ikram Rakhimberganovich

PhD, associate professor of the Department of Accounting

Tashkent State University of Economics

**Annotation.** In this article discussed scientific terms related to the process of liquidation of enterprises, in particular, a theoretical analysis of the concept of "liquidation mass" and carried out its formation at a liquidated enterprise. Clarified the processes of forming the liquidation mass of a bankrupt enterprise based on the analysis of regulatory legal documents and practical data and proposed to divide it into stages. Also specified the work that needs to be carried out at each stage of the formation of the liquidation mass. Developed a general algorithm for conducting an inventory and forming a liquidation estate during the liquidation of an insolvent enterprise.

**Key words:** insolvency, liquidation estate, liquidation balance sheet, interim liquidation balance sheet, accounts receivable, inventory, market value.

**Кириш.** Банкротлик бу бозор иқтисодиёти принциплари бўйича ташкил қилинган иқтисодиётнинг ўзига хос институтидир. Иқтисодий-хуқуқий ҳодиса сифатида тўловга лаёқатсиз (банкрот) корхона турли даражадаги муаммоларни вужудга келтиради. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида кўриб чиқилаётган тўловга лаёқатсизлик тўғрисидаги ишлар сони ошиб бормоқда [11]. Шу боисдан, тўловга лаёқатсиз корхоналар ўз фаолиятини тўхтатишининг бошқа корхоналар молия-хўжалик фаолиятига салбий таъсирини бартараф этиш, тугатилаётган корхона инвесторлари, кредиторлари ва бошқа тижорат ҳамкорларининг бизнес риски даражасини пасайтиришда уларни сифатли ва ишончли маълумотлар билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли корхоналарни тугатиш жараёнида тугатиш балансини тузишнинг норматив ва ташкилий-услубий таъминоти такомиллаштириши зарурати вужудга келмоқда .

ЎРҚ-763-сон қонуни 146-моддасига мувофиқ: «қарздорнинг **барча активлари**, улар балансларда кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, **тугатиш массасини шакллантириш** учун асос бўлиб ҳисобланади» [3]. Демак, **тугатиш массаси** – бу нафақат тугатиш иши очилган пайтда корхона балансида мавжуд бўлган, балки уни амалга ошириш жараёнида ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ошиқча мол-мулклар қиймати ҳам қўшилиб, қайта баҳолангандан ҳолда ҳаққоний бозор баҳосига яқинлашган, шунингдек кераксиз (бозорда ўтмайдиган) мол-мулклардан тозалангандан активлардан иборат. Шунинг учун ҳам, ушбу хусусиятлар оралиқ тугатиш баланслари (кейинги ўринларда - ОТБ)ни тузиш чоғида ҳисобга олиниши зарур.

Лекин, ҳозирги вақтда юридик шахсларни тугатиш масалаларини тартибга соладиган, хусусан тугатиш массасини ва уни аниқлаш тартибини белгилайдиган норматив хужжат, энг бўлмаганда тавсиянома ҳам мавжуд эмас. Шундай экан, тугатиш массасининг таърифини шакллантириш, уни аниқлаш босқичларини ва ОТБнинг актив қисмида тўғри акс эттириш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда асослаш долзарб услубий муаммо ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Аввало, тугатиш массаси хусусида. Жумладан, Россиялик соҳа мутахассиси Л.А.Петрова томонидан банкрот корхонанинг тугатиш массасини шакллантириш, жумладан банкрот корхона дебитор қарзларини тугатиш масса-

сига киритиш масалалари тадқиқ қилинган [10]. Шунингдек, С.Ю.Баришева томонидан тугатиш массасини шакллантириш билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия экспертизаси масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тугатиш массасининг миқдори ва турлари ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида тугатиш массасини алоҳида ҳисоб объекти сифатида ҳисобга олишни таклиф қилган [8]. Лекин, улар бу тушунчага илмий таърифига муносабат билдирилмаган.

Н.Ф.Каримов ва Ш.М. Раббимқуловлар томонидан корхоналарда банкротлик ҳолатларининг келиб чиқиши сабаблари ҳамда молиявий соғломлаштириш масалалари тадқиқ қилинган [9]. Улар томонидан корхоналарни тугатиш жараёнига доир норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда хориж тажрибаси шарҳланган бўлиб, лекин ушбу жараённинг муҳим элементи - тугатиш массаси тушунчаси ва уни шакллантириш масалалари эътибордан четда қолган.

Бу масала борасида тадқиқотчи С.С.Азимов ишларида банкрот корхоналардан кредиторлик қарзларни ундириш масалалари ёритилган [6,7]. Лекин, банкрот-корхонанинг оралиқ тугатиш балансини тузишда тугатиш массаси тушунчаси ва уни шакллантириш масалалари ўрганилмаган.

Фикримизча, **тугатиш массаси** – бу суднинг қарорига асосан тўловга қобилиятысиз деб топилган ёки ихтиёрий тугатилаётган корхона балансининг активида мавжуд бўлган ва инвентаризация ўтказиш чоғида аниқланган ва баҳоланиб киримга олинган ҳамда тугатиш ишини амалга ошириш жараёнида ҳаққоний бозор баҳосида қайта баҳолангандан, шунингдек ноликвид активларлардан тозалангандан қийматдан иборат.


**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида бизнесни тугатиш жараёнида оралиқ тугатиш балансида акс эттириладиган тугатиш массаси тушунчасининг назарий асослари ўрганилди, мавзуга оид норматив-хуқуқий ва илмий манбалар таҳлил қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув усулларидан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Норматив-хуқуқий хужжатларни шарҳлаш шуни кўрсатди, даврий баланс ва тугатиш баланси активи мазмунан бир хил эмас. Демак, уларни шакллантириш ҳам ташкилий-услубий жиҳатдан фарқ қиласи.

Шунингдек, тугатилаётган корхонанинг

кредиторлик қарзларини қоплаш учун нақд пул маблағларига айлантириладиган мол-мулкларни аниқлаш мақсадида ОТБнинг тугатиш массаси(активи)ни **шакллантириш ва**

**тахлил қилиш жараёнини тўғри ташкил этиш зарур.** Бу жараённи З та босқичга бўлишни тавсия қиласиз (1-расм).



### 1-расм. Тугатиш массасини шакллантириш босқичлари

ОТБнинг актив қисми (тугатиш массаси)ни шакллантиришининг *биринчи босқичида* баланс моддалари корхонага мулкий хукуқ асосида тегишли бўлмаган мол-мулклардан; тугатишга доир ишни юритиш жараёнида ўз қийматини йўқотгангандиги аниқланган ва шуларга ўхшаш бошқа мол-мулклардан тозаланади.

Маълумки, ЎРҚ-763-сон қонунининг 146-моддасига мувофиқ:

«Тугатиш массасига қуидагилар кирмайди:

қарздор ходимларига хусусий мулк хукуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк;

ишенчли бошқарувдаги, қарздор ижара хукуқи асосида фойдаланаётган мол-мулк;

гаров нарсаси, бундан ушбу Қонун 149-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

қарздорга жавобгарлик асосида сақлаш учун берилган товарлар;

қонунчиликка мувофиқ қарздорнинг мулки бўлмаган бошқа мол-мулк» [3]. Демак, юқорида келтирилганлар ОТБни тузища тугатиш массаси(активи)га киритилмаслиги лозим.

Шунингдек, фикримизча, ОТБнинг тугатиш массаси(активи)ни шакллантиришда, унинг таркибидан, мабодо сотилганида даро-

мад келтирмайдиган активлар (лицензиялар, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, ишchanлик обруси ва ш.к.), шунингдек мазкур минтақа учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар қиймати чегириб ташланиши зарур.

Акциядорлик жамиятларида ОТБнинг тугатиш массаси(активи)ни шакллантиришда узоқ ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар таркибидан қуидагилар ҳам чегириб ташланиши мақсадга мувофиқ:

- акциядорлардан қайтариб сотиб олинган акцияларнинг қиймати;

- ҳамкорлиқдаги фаолиятга улуш сифатида қўшилган мол-мулклар, агар ҳамкорлиқдаги фаолиятдан даромад олиш ёки унга қўшилган мол-мулклар қийматини қайтиб олиш имкони бўлмас;

- ноликвид ва қадрсизланиб қолган қимматли қофозлар қиймати;

- муддати ўтган дебиторлик қарзлар (олдин яратилган резервлар ҳисобга олинган ҳолда).

Алоҳида таъкидлаш жоизки, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, хусусан қишлоқ хўжалиги корхоналарини тугатища ОТБни тузиш бўйича баланс активининг 160-сатри «Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)» моддаси билан боғлиқ муаммо-

лар вужудга келиши мумкин. Чунки, айрим субъектив сабабларга кўра бу моддада сунъий равиша (кўпинча, балансдаги қопланмаган зарарни «йўқотиш» мақсадида) ошириб кўрсатилган, ноликвид суммалар вужудга келади.

ОТБнинг тугатиш массаси (активи)ни шакллантиришда номоддий активларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки тугатиш ишларини амалга ошириш мақсадида уларни сотиш ва пулга айлантириш жараёнида айрим чекловларга тўқнашилади. Масалан, agar корхона қандайдир бир турдаги фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлса, у ўзининг юридик кучини, бунинг оқибатида қийматини ҳам йўқотади ва корхона тугатилган пайтдан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади. Шунингек, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳам бекор қилинади.

Таъсис хужжатларига мувофиқ таъсисчи (иштирокчи)ларнинг устав капиталига улушлари сифатида тан олинган ташкилий харжатлари, шунингдек корхонанинг ишчанлик обрўси (номоддий актив сифатида) бекор қилиниши ва корхонанинг зарарига олиб борилиши лозим. Чунки улар корхона ўз фаолиятини тўхтатиши муносабати билан ўз қийматини йўқотади.

Тугатилаётган корхонанинг илм-фан, адабиёт ва санъат асарларига ҳамда «ноухоу»га муаллифлик ва бошқа турдаги шартномалар асосида вужудга келган ҳуқуқлари бундан мустасно. Бунда тугатилаётган корхона бундай ҳуқуқларга вақтингчалик фойдаланиш учун топшириш шартномаси асосида эга бўлмасдан, уларнинг мулқдори бўлиши лозим. Бу ҳолда улар(фойдаланиш ҳуқуқлари)нинг қиймати баҳоланиши ва сотовуга қўйилиши зарур.

Шундай қилиб, банкрот-корхонада ОТБнинг тугатиш массаси(активи)ни шакллантиришда, унинг мол-мулклари таркибида кирувчи ва активида салмоқли ўрин эгалловчи номоддий активларнинг катта қисми корхона зарарига ҳисобдан ўчирилиб, сезиларли даражада қисқартирилиши лозим. Бунда ҳисобдан чиқаришни бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттириш учун «Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» асос бўлади.

Қимматли қоғозлар биржা котировкасими хисобга олган ҳолда акс эттирилади. Шунингдек, ЎРҚ-763-сон қонунининг 146-моддасига мувофиқ: «Қарздорнинг балансида бўлган, лекин унинг устав фондига (устав капиталига) киритилмаган, шунингдек қарздорга фойдаланиш учун берилган давлатга тегишли ижтимоий инфратузилма объектлари ва уму-

мий фойдаланишдаги коммунал соҳа объектлари қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомили бошланган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичидаги уларнинг қолдиқ қиймати бўйича тугатиш бошқарувчиси томонидан тегишинча маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва (ёки) ташкилотларга уларнинг функционал мансублилигига кўра топширилади» [3].

Ижтимоий аҳамиятга эга мол-мулклар таркибида ижтимоий фойдаланишдаги уйжой фонди, мактабгача болалар муассасалари, коммунал инфратузилма объектлари ва шу кабиларни киритиш мумкин. Бундай объектларни жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари балансига ўтказиш, уларнинг ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ҳеч қандай қўшимча шартларсиз пуллик асосда шартнома баҳоси бўйича амалга оширилади. Зарар келтираётган объектлар бундан мустасно. Ушбу объектларни сақлаш тегишли маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилади. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тўланган маблағлар корхона ОТБнинг тугатиш массаси (активи)га киритилади.

Иккинчи босқичда тугатилаётган корхонанинг дебиторлик қарзлари таҳдил қилиниб, кейинчалик ОТБнинг активи таркибида чиқарип ташланиши лозим бўлган, даргумон дебиторлик қарзларини аниқланади ва имкони мавжудларини ундириш чоралари кўрилади.

Маълумки, ЎзР «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунинг 27-моддасига мувофиқ: «умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди»[2]. Демак, ундиришнинг имкони бўлмаган дебиторлик қарзлари ОТБда ҳисобга олинмайди. Лекин, кейинчалик тугатиш комиссияси уни ундириш бўйича суд бошқарувчисининг ундириш имконсизлиги ёки даъво қўзғатишини имконсизга чиқарадиган вазият вужудга келганлиги тўғрисидаги далолатномасини олгунига қадар, барча мумкин бўлган (суд ва судгача тартибда) чораларни қўллаши лозим. Қарзлар имкон қадар тўлиқроқ ундирилиши учун резервлар ҳисобидан ёки зарарга ўтказилиб, ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларининг балансдан ташқари ҳисобини ҳам ташкил этиш зарур. Масалан, ундириш имкони бўлмаган 380 000,0 минг сўмлик дебитор қарз ҳисобдан чиқарилиб, 007-«Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи» номли балансдан ташқари счетда акс эттирилган (1-жадвал).

**Ундириш имкони бўлмаган дебиторлик қарзларини бухгалтерия ҳисоби  
счетларида акс эттириш**

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Сумма, сўм	Счетлар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1.	Ундириш имкони бўлмаган дебиторлик қарз зарарга олиб борилганида	380 000 000	9910	4010
2.	Тугатиш даврида ундирилмаган дебиторлик қарзни ҳисобдан ўчиришдан соғф зарар аниқланди	380 000 000	8710	9910
3.	Зарарга олиб борилган дебиторлик қарз балансдан ташқари счетда акс эттирилган (назорат қилиш мақсадида)	380 000 000	007	-

ОТБда талаб қилинган тугатиш массасини шакллантириш мақсадида, даставвал дебиторлик қарзларини икки гурӯҳга ажратиш тавсия этилади:

1) даъво муддати ўтган дебиторлик қарзлари;

2) ундириш имкони йўқ бўлган бошқа қарзлар.

Дебиторлик қарзларини баҳолашда, шуни унутмаслик керакки, ЎзР ФКнинг 150-моддасига мувофиқ: «умумий даъво муддати - уч йил»[1]. Шунингдек, мазкур кодекснинг 151-моддасига мувофиқ: «Айrim турдаги талаблар учун қонунчиликда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган маҳсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгилangan бўлмаса, ушбу Кодекс 152-162-моддаларининг қоидалари маҳсус даъво муддатларига ҳам жорий қилинади» [1].

Дебиторлик қарзлари умидсиз дебтопилганида уни ундириш учун ЎзР ФКнинг 352-моддасига мувофиқ: «Юридик шахс (қарздор ёки кредитор) тугатилиши билан мажбурият бекор бўлади, қонунчилик билан тугатилган юридик шахснинг мажбуриятларини бажариш бошқа шахс зиммасига юклатилган (ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш талаби ва бошқа талаблар бўйича) ҳоллар бундан мустасно»[1]. Шунинг учун тугатилаётган корхонанинг счетида пул маблағлари этишмаслиги каби сабаблар, ёхуд у ўз мажбуриятларини бажара олмаган оғир молиявий ҳолат, ёхуд тугатилиши муносабати билан давлат реестрида ёзувлар тўғрисидаги расмий маълумотлар йўқ бўлганида, бундай хўжалик операциялари натижасида кўрилган, солиққа тортиладиган базани камайтиришга олиб келадиган заарларни тан олиш учун қонуний асос бермайди.

Юқорида санаб ўтилган шартларга риоя қилинганида бундай қарздорлик ўтказилган инвентаризация маълумотлари, ёзма асосно-

ма ва корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши)га мувофиқ ҳисобдан чиқарилиб, мосравиша шубҳали қарзлар бўйича резервлар маблағлари ёки молиявий натижаларга олиб борилади.

Даъво муддати ўтганидан сўнг талаб қилинган дебиторлик қарзлари корхона фаолиятининг молиявий натижалари(зарари)га олиб борилади. Бундай суммалар шубҳали қарзлар бўйича резервлар ҳисобидан қопланади ёки корхонанинг бошқа харажатлари таркибиға киритилади. Шубҳали қарзлар бўйича резервлар суммаси «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сон БҲМС талабларига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади. Ушбу БҲМСга мувофиқ: «Белгилangan муддатда қопланмаган ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган корхонанинг дебиторлик қарзи даргумон қарз сифатида тан олинади.

Даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобот йили охирида корхонанинг дебиторлик қарзларининг инвентаризацияси натижалари асосида ташкил этилади.

Резерв ҳажми ҳар бир даргумон қарз бўйича алоҳида, қарздорнинг молиявий аҳволи (тўлов қобилияти) ва қарз суммасини тўлиқ ёки қисман тўлаш эҳтимолини баҳолаш асосида аниқланади.


Агар шубҳали қарз бўйича резерв ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг охиригача ушбу резервнинг маълум бир қисми ишлатилмаса, у ҳолда ишлатилмаган сумма тегишли йилнинг фойдасига қўшилади ва фойда солиғини ҳисоблашда солиқ базасига қўшилмайди.

Илгари корхона томонидан даргумон қарз сифатида тан олинган қарзларни балансдан чиқариш 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счётининг дебетида тегишли дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (олинадиган счёtlar)ни ҳисобга олувчи счёtlar билан

боғланган ҳолда акс эттирилади. Ишлатилмаган даргумон қарзлар бўйича резерв суммасини фойдага кўшиш 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счётини дебетида ва 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётини кредитида акс эттирилади» [5].

ОТБ тугатиш массаси(активи)ни шакллантиришнинг учинчи босқичида тугатилаётган корхонанинг мол-мулклари инвентаризация қилиниши ва баҳоланиши керак. Хусусан, ЎРҚ-763-сон қонуннинг 144-моддасида: тугатиш бошқарувчиси «қарздорнинг мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиши, уни инвентаризация қилиши ва баҳолашдан ўтказишни ташкил этиши, унинг бут сақланиши чорала-

рини кўриши»[3] лозимлиги белгиланган. ОТБ активи тугатиш массаси(активи)ни шакллантириш учун, тугатилаётган корхонанинг дастлаби тугатиш балансида тақдим этилган барча мол-мулклари асос бўлади. Лекин кўпинча, корхонанинг барча мол-мулклари бухгалтерия хужжатларида тўлиқ акс эттирилмай қолади. Бу бухгалтерия ҳисобида атайлаб ёки билмасдан қилинган хатолар оқибатида бўлиши мумкин. Инвентаризация жараёнида ҳисобга олинмай қолган мол-мулклар аниқланганида, улар бозор баҳолари ҳисобга олинган ҳолда баҳоланиши лозим (2-расм).



**2-расм. Тўловга лаёқатсиз корхонани тугатишда инвентаризация ўтказиш ва тугатиш массасини шакллантиришнинг умумий алгоритми**

ОТБни шакллантиришнинг тўртинчи босқичи - инвентаризация натижасида аниқланган мол-мулкларни қайта баҳолаш, яъни

уларнинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлашдан иборат.

1-сон “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ молиявий ҳисобот фойдаланувчиларида субъектнинг молиявий ҳолати тўғрисида ҳаққоний ва беғараз тасаввур ҳосил бўлиши керак[4]. Шу сабабли узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш уларнинг бир бирлигини таққослаш, индекс, смета, элементлар бўйича ва бошқа методлар ёрдамида амалга оширилади. Ҳаққоний баҳони эса экспертиза усули билан, эксперт-баҳоловчилар ёрдамида аниқлаш зарур.

Айланма маблағларни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари кўпроқ (узоқ муддатли активларга нисбатан) дебиторлик қарзларида намоён бўлади. ОТБни шакллантириш даврида дебиторлик қарзларини баҳолашнинг асосий мақсади уларнинг бозор қийматини ва ундириш имкониятларини аниқлаш ҳамда ҳаққоний пул маблағлари тушумини таъминлашдан иборат.

Корхона дебиторлари томонидан қарзларнинг қопланиш имкониятларини баҳолашда фақат унинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва ушбу қарзларни вужудга келтирган шартномаларни батафсил ўрганиш натижаларига асосланиш мумкин.

Дебиторлик қарзларнинг ундирилиш даражасини аниқлаш учун уларни шартли равища учта гуруҳга бўлиш тавсия этилади:

1) молиявий аҳволи барқарор бўлган корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган ва ўтмаган дебиторлик қарзлари;

2) молиявий аҳволи нобарқарор бўлган корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтмаган дебиторлик қарзлари;

3) молиявий аҳволи нобарқарор бўлган корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебиторлик қарзлари.

**Хуносалар ва таклифлар.** Шундай қилиб, юридик шахсларни тугатишнинг норматив-хуқуқий таъминотини, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, ЎРҚ-

763-сон қонуннинг тегишли қоидалари, шунингдек қонуности норматив хужжатлар ва бошқа ташкилий-фармойиш хужжатларни тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда дастлабки, оралиқ ва якуний тугатиш балансларининг аниқ таърифлари ҳамда уларни тузиш услублари (тартиби) келтирилмаган. Шунингдек, ОТБни тузишда унинг тугатиш массаси(активи)ни ва пассивини шакллантириш алгоритми услубий жиҳатдан таъминланмаган.

Тадқиқотлар шуни тасдиқладики, тугатиш массаси тушунчасига ҳам илмий таъриф берилмаган. Фикримизча, тугатиш массаси – бу суднинг қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб топилган ёки ихтиёрий тугатилаётган корхона балансининг активида мавжуд бўлган ва инвентаризация ўтказиш чоғида аниқланган ва баҳоланиб киримга олинган ҳамда тугатиш ишини амалга ошириш жараёнида ҳаққоний бозор баҳосида қайта баҳоланган, шунингдек ноликвид активлардан тозаланган қийматдан иборат. Шунингдек, ҳозирча тугатиш массасини аниқлаш тартибини белгилайдиган норматив хужжат ҳам мавжуд эмас. Натижада, оралиқ тугатиш балансининг активи (тугатиш массаси)ни шакллантиришнинг асосланган босқичлари (алгоритми) ва уни тўғри акс эттириш тартиби мавжуд бўлмаганлиги учун амалиётда бу масалага ҳар хил ёндашувлар ҳамда хатокамчиликлар учраётганлиги аниқланди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида оралиқ тугатиш балансининг активи (тугатиш массаси) ва пассивини шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилди ҳамда таклиф қилинди. Шунингдек, ОТБда талаб қилинган тугатиш массасини шакллантиришда дебиторлик қарзларини даставвал икки гуруҳга ажратиш, кейинчалик дебиторлик қарзларининг ундирилиш даражасини аниқлаш учун уларни шартли равища учта гуруҳга бўлиш тавсия этилди.

#### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/docs/111189>
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири), 13.04.2016 й. № ЎРҚ – 404, Халқ сўзи, 14.04.2016 й. № 73 (6508).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуни. 2022 йил 12 апрель. ЎРҚ-763. <https://lex.uz/docs/5957612>
4. Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот. 1-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. <https://lex.uz/acts/828581>
5. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўриқнома. 21-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти. <https://lex.uz/acts/417624>

6. Азимов С.С. Банкротлик амалиёти ва унинг амалдаги ҳолати бўйича мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари // O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 12-son, 2022-yil. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/1217>;

7. Азимов С.С. Банкротлик асосида тугатилган хўжалик субъектларининг қарзини субсидиар тартибда ундиришдаги амалиётда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари // Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities Hosted online from Plano, Texas, USA. <https://econferenceseries.com/index.php/icedh/article/view/62/62>

8. Барышева С.Ю. Бухгалтерская экспертиза хозяйственных операций при формировании конкурсной массы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саратов 2010. 20 стр.

9. Каримов Н.Г. Раббимқулов Ш.М. Корхоналарнинг банкротлик ҳолатлари: келиб чиқиш сабаблари, молиявий соғломлаштириш ва хорижий тажрибалар. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №1, январь-февраль, 2015 йил. <https://ejournal.tsue.uz/index.php/archive/issue/view/40>

10. Петрова Л.А. Особенности бухгалтерского учета, обусловленные процедурой конкурсного производства // Производственный менеджмент: теория, методология, практика. 2016. №5. 88-91.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистик маълумотлари. <https://stat.sud.uz/iib.html>



### O'ZBEKISTON IQTISODIYOTI SHAROITIDA BIZNESNI BAHOLASH MUAMMOLARI: USLUBIY VA TARMOQ JIHATLARI

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss1/a49](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a49)

*Qosimova Sayyora Karimjon qizi  
Toshkent davlat iqtisodiyot instituti,  
baholash ishi va investitsiyalar  
kafedrasi katta o'qituvchisi*

**Annotatsiya.** Maqolada biznesni baholash bilan bog'liq uslubiy muammolar ko'rib chiqiladi. Muallif "zamonaviy sharoitda baholash jarayonida biznesni ikkita asosni o'z ichiga olgan tizim sifatida ko'rib chiqish kerak" degan taxminga asoslanadi: kompaniya mulkiy kompleks sifatida va shu bilan birga, biznesning moddiy asosi hamda biznesning o'zi ma'lum bir texnik, ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarda amalga oshiriladigan muayyan iqtisodiy faoliyat sifatida. Shu bilan birga, biznesni faoliyat sifatida baholashda ushbu faoliyatning iqtisodiy tizimlarning texnologik rivojlanishi jarayonida o'zgarib turadigan tarmoq istiqbollarini hisobga olish zarurligi ko'rsatilgan.

**Kalit so'zlar:** baholash, biznes, mulk, aktiv, tarmoq.

### ПРОБЛЕМЫ ОЦЕНКИ БИЗНЕСА В УСЛОВИЯХ ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА: МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ И ОТРАСЛЕВЫЕ АСПЕКТЫ

*Касимова Сайёра Каримжон кизи  
Ташкентский государственный экономический  
университет, старший преподаватель  
кафедры «Оценочное дело и инвестиции»*

**Аннотация.** В работе рассматриваются методологические проблемы, связанные с оценкой бизнеса. Автор исходит из предположения, что в современных условиях бизнес в процессе оценки необходимо рассматривать как систему, включающую два базиса: фирму, как имущественный комплекс и, одновременно, материальную основу бизнеса, и, собственно, сам бизнес, как определенную экономическую деятельность, ведущуюся в определенных технико-социо-экономических условиях. При этом показано, что при оценке бизнеса как деятельности необходимо учитывать отраслевые перспективы данной деятельности, меняющиеся в процессе технологического развития хозяйственных систем.

**Ключевые слова:** оценка, бизнес, имущество, актив, отрасль.